



## XALQ DEPUTATLARI FARG'ONA VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

2020 yil “ 27,                    октябрь                    № VI-XX/106

### **Маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тўғрисидаги халқ депутатлари туманлар Кенгашларининг қарорларини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўздаверлойиха” институти Фарвилерлойиха бўлинмаси томонидан “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан вилоятнинг Кува, Фарғона, Олтиариқ, Бувайда, Риштон, Бағдод, Учкўприк, Қўштепа, Фурқат, Тошлоқ, Бешариқ, Сўх, Данғара, Ёзёвон ва Ўзбекистон туманлари маъмурий-ҳудудий бирликлари чегараларини белгилаш бўйича бажарилган ишларни якуний натижаларини кўриб чиқиш юзасидан халқ депутатлари Кува тумани Кенгашининг 2020 йил 26 октябрдаги VI/XIII/54-сонли, Фарғона тумани Кенгашининг 2020 йил 26 октябрдаги VI-XVIII-63-сонли, Олтиариқ тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги XI/3-сонли, Бувайда тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги VI-XI-сонли, Риштон тумани Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги VI/XI-58-сонли, Бағдод тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги 70/XI-VI-сонли, Учкўприк тумани Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 75/16-VI-сонли, Қўштепа тумани Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 97/17-6-сонли, Фурқат тумани Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги V-IXX/20-сонли, Тошлоқ тумани Кенгашининг 2020 йил 4 июндаги VI/VII-44/1-сонли, Бешариқ тумани Кенгашининг 2020 йил 21 октябрдаги VI-XIX/92-сонли, Сўх тумани Кенгашининг 2020 йил 20 августдаги VI-11-9-сонли, Данғара тумани Кенгашининг 2019 йил 4 августдаги LVIX/202-сонли, Ёзёвон тумани Кенгашининг 2020 йил 9 сентябрдаги VI-XIV-70-сонли ҳамда Ўзбекистон тумани Кенгашининг 2020 йил 6 августдаги 60/7-6-сонли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги вилоят бошқармасининг вилоятнинг туманлари ҳудудий бирликлари чегараларинини белгилаш лойиха ишларини тасдиқлаш юзасидан қабул қилинган халқ депутатлари туманлар Кенгашларининг қарорларини вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланишини сўраб ёзган илтимосномаси инобатга олинсин.

2. Туманлар чегараларини белгилаш бўйича бажарилган ишларни якуний натижалари туманларда тузилган тегишли комиссияларнинг йиғилиш баёнлари билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг туман чегараларини белгилаш бўйича қуйидаги:

- Қува тумани Кенгашининг 2020 йил 26 октябрдаги VI/XIII/54-сонли;
- Фарғона тумани Кенгашининг 2020 йил 26 октябрдаги VI-XVIII-63-сонли;
- Олтиариқ тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги XI/3-сонли;
- Бувайда тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги VI-XI-сонли;
- Риштон тумани Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги VI/XI-58-сонли;
- Бағдод тумани Кенгашининг 2020 йил 28 августдаги 70/XI-VI-сонли;
- Учкўприк тумани Кенгашининг 2020 йил 10 сентябрдаги 75/16-VI-сонли;
- Қўштепа тумани Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 97/17-6-сонли;
- Фуркат тумани Кенгашининг 2019 йил 17 декабрдаги V-IXX/20-сонли;
- Тошлоқ тумани Кенгашининг 2020 йил 4 июндаги VI/VII-44/1-сонли;
- Бешариқ тумани Кенгашининг 2020 йил 21 октябрдаги VI-XIX/92-сонли;
- Сўх тумани Кенгашининг 2020 йил 20 августдаги VI-11-9-сонли;
- Данғара тумани Кенгашининг 2019 йил 4 августдаги LVIX/202-сонли;
- Ёзёвон тумани Кенгашининг 2020 йил 9 сентябрдаги VI-XIV-70-сонли;
- Ўзбекистон тумани Кенгашининг 2020 йил 6 августдаги 60/7-6-сонли қарорлари қабул қилинганлиги инобатга олинсин ҳамда маъқуллансин.

4. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 4 сентябрдаги “Маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича вилоят комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 231-сонли қарори қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги Қонуни билан:

халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ўз ваколатлари доирасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларига доир қарорлар қабул қилиши;

вилоят бўйсунувидаги шаҳарларнинг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоятлар туманларининг чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг

илтимосномалари асосида амалга оширилиши белгиланганлиги кўрсатиб ўтилсин.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида”ги Қонунига асосан вилоят ёки туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг, вилоятлар туманларининг, Тошкент шаҳри туманларининг ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар чегараларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг илтимосномалари асосида амалга оширилиши белгиланганлигини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги ҳужжатларни:

вилоятдаги туманларнинг маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш ҳақидаги асослантирилган илтимоснома;

ҳалқ депутатлари туманлар Кенгашларининг туманларнинг маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳақидаги қарорлари;

туманлар комиссияларининг тегишли хулосалари;

туманларнинг маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш муносабати билан маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларининг картографик чизмаси ҳамда чегаралар чизиғининг тавсифи;

туманларнинг маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш билан боғлиқ тегишли ҳисоб-китоблар ва харажатларни молиялаштириш манбаларини тақдим этсин.

Бунда, хулосалар тегишли ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини, жорий ва истиқболдаги демографик кўрсаткичларини, шунингдек комплекс ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланганлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Мазкур қарор вилоят ва туман ҳокимликларининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг тасдиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан сўралсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг “Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича” доимий комиссияси раиси М.Сайфутдинова ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Умаров, Д.Ходжихмедов ва С.Аминжоновлар зиммасига юклансин.

Сессия раиси:



Т.Холдаров